



PROBLEMS OF ENSURING THE SECURITY OF POLITICAL DEVELOPMENT IN THE PROCESS OF FORMATION OF A NEW SECULAR ORDER

Alisher N. Nazarov

PhD

Tashkent University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: world order, globalization, safety, development, terrorism, political process, economic conflicts, radicalism, drug trafficking.

Abstract: This scientific article analyzes the problems of ensuring security and stability of political development in the process of forming a new world order.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

ЯНГИ ДУНЁВИЙ ТАРТИБОТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Алишер Н. Назаров

PhD

Тошкент шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: дунёвий тартибот, глобаллашув, хавфсизлик, тараққиёт, терроризм, сиёсий жараён, иқтисодий қарама-қаршиликлар, радикализм, наркотрафик.

Аннотация: Мазкур илмий мақолада янги дунёвий тартиботнинг шаклланиши жараёнида сиёсий тараққиёт хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш муаммолари таҳлил қилинган.

ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ ПОЛИТИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В ПРОЦЕССЕ ФОРМИРОВАНИЯ НОВОГО СВЕТСКОГО СТРОЯ

Алишер Н. Назаров

PhD

Ташкентский университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: мировой порядок, глобализация, безопасность, развитие, терроризм, политический процесс, экономические противоречия, радикализм, наркотрафик.	Аннотация: В данной научной статье проанализированы проблемы обеспечения безопасности и стабильности политического развития в процессе формирования нового мирового порядка.
--	--

КИРИШ

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларига келиб, инсоният тарихида янги давр бошланди. Мазкур даврнинг сиёсий феномени ҳамда унинг мустақил давлатлар сиёсий тараққиётига таъсири билан боғлиқ омиллар, муаммоларни тадқиқ этиш табиий равишда тобора долзарб тус олиб бормоқда. Зеро, ҳозирги дунёга хос бўлган мураккаб ва аксарият ҳолларда зиддиятли бўлган вазиятлар, тенденциялар кўп жиҳатдан инсоният ҳаётининг аввалги даврларидаги кўринишларидан кескин фарқ қилгани ҳолда, баъзан мавжуд илмий концепциялар, постулатлар изоҳлари доирасига сиғмасдан қолмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бугун биз ғоят мураккаб, тахликали ва қалтис бир замонда яшаётганимизни барчамиз яхши биламиз. Ҳозирги вақтда дунёнинг узок-яқин турли ҳудудларида юз бераётган ташвишли воқеалар, жумладан, бизнинг минтақамизда, ён-атрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикни тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка қандай катта таҳдид туғдираётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришинг ҳожати йўқ”[1].

Дунёда, мамлакатлар, халқларнинг тинч ва осойишта, ўзаро ишонч асосида умргузаронлик қилиши учун зарур бўлган кафолатли шароитларнинг “дефицити” бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кескинроқ равишда сезилиб турибди. “Бир неча юз, ҳаттоки минг йиллар давомида инсон ва унинг ақл-заковати жамият тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, илмий-техникавий асосларини яратиш билан шуғулланиб келмоқда. Инсониятнинг илмий фикри цивилизациялашган социал тараққиёт лойиҳаларини яратишга интилиш билан доимо банд. Лекин шундай бўлсада, бугунги куннинг кўпгина долзарб саволлари жавобсиз қолмоқда”[2].

Жаҳонда вужудга келган бундай ҳолатни кўпгина мутахассис олимлар дунёнинг сиёсий тартиботидаги кескин ўзгаришлар билан, тўғрироғи янги дунё тартиботини шаклланиб улгурмаган ҳолати билан изоҳламоқдалар. Бу ўринда асосий гап дунё миқёсида инсоният сиёсий ҳаётининг тизимли равишда тартибга солинган мустаҳкам алоқаларининг мавжуд бўлиши зарурлиги устида бормоқда. Бугунги халқаро жараёнлардаги тенденциялар жаҳон миқёсида барча мамлакатлар, халқлар манфаатларига бирдек жавоб бера оладиган тартиботни вужудга келиши катта қийинчиликлар билан рўй бераётганлигидан далолат бермоқда.

Таниқли америкалик олимлардан П.Кеннеди таъкидлаганидек, “совуқ уруш барҳам топганидан кейин янги дунёвий тартиботга эмас, балки, нотинч, парчаланган жамиятда яшаётган сайёрага дуч келдик. Ушбу муаммолар сиёсатчилар ва кенг жамоатчилик томонидан жиддий эътибор қаратишга лойиқдир”.[3]

Айрим мутахассислар, масалан, рус олими Э.Баталов дунёдаги ҳозирги вазиятни “инсониятни эски Ялта-Потсдам келишувлари асосида шаклланган тартиботдан янги, лекин жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинмаган, белгилари шаклланиб улгурмаган тартиботга ўтиш даври”[4] эканлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган.

Бугунги янги дунё сиёсий тартиботининг шаклланиш жараёнлари қайси босқичда бўлишидан қатъи назар, ундаги етакчи хусусиятлар тобора ёрқинроқ намоён бўлиб бормоқда. Бу ўринда глобаллашув жараёнларининг тез суръатларда авж олаётганлиги ҳолати дунёнинг замонавий манзарасини номоён қилиб берувчи асосий омилга айланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Айни пайтда глобаллашув ўзининг туб моҳиятига кўра дунёни қайта қуришнинг қудратли дастурига айланди дексак муболаға бўлмас эди.

Глобаллашув тўхтовсиз равишда инсоният ҳаётининг турли жабҳаларини эгаллаб бормоқда. “Глобаллашув натижасида жаҳонда миллий давлатларнинг мавқеи, яқин вақтларгача мавжуд бўлиб турган дунё тартиботи ўзгармоқда. Бундай ҳолатлар инсоният тарихининг постзамонавий даври бошланаётганидан дарак бермоқда”[5].

Глобаллашув жараёнларининг ҳозирги даврдаги хусусиятлари ҳамда унда етакчилик қилаётган ҳолатлар дунёвий тартиботнинг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатувчи омил сифатида ўз аҳамиятини тобора ошириб бормоқда. Айниқса XXI аср бошларига келиб унинг интенсивлиги янада ортиб кетди. Буларнинг натижасида “бир томондан халқаро тизим глобаллик сифатларини ўзига қамраб олаётган бўлса, бошқа томондан глобаллашув халқаро муносабатлар тизимига кўпгина муаммоли жиҳатларни ҳам олиб кирмоқда. Жумладан, глобаллашув авторитар ва иерархия шаклларида ҳам намоён бўлиб, кўпроқ

кучли ривожланган мамлакатларнинг манфаатлари ва интилишларига хизмат қилиши мумкинлигини бугунги куннинг айрим тенденциялари кўрсатиб турибди.

Глобаллашув халқаро муносабатларга бир қанча янги хусусиятларни олиб кирмоқда. Хусусан, унинг рўй бериши натижасида дунёнинг яхлитлиги, умумий муаммоларга нисбатан самарали эътибор қарата олиш лаёқати янада ошдики, булар XXI асрдаги халқаро сиёсий тараққиёт учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, глобаллашув билан боғлиқ баъзи ҳодисалар, масалан, ўзига ҳосликнинг емирилиши, миллий давлатлар имкониятларини торайишига сабаб бўлувчи омилларнинг кўпайиши”[6] каби ҳолатлар дунё тартиботига ва жаҳон сиёсий тараққиётига нисбатан салбий таъсирларни кучайтириб юбориши мумкин.

Айниқса, замонавий глобаллашув жараёнларининг мафкуравий жиҳатларини ортиб бориши, халқаро муносабатлардаги тенгсизлик ва беқарорлик вазиятларини янада чуқурлашувига сабаб бўлмоқда. Халқаро глобаллашувнинг “етакчи субъекти” ролини ўйнашга интилаётган баъзи кучли давлатларнинг “саъй-ҳаракатлари” натижасида бугунги кунда дунё миқёсида баъзи “интеллектуал стратегик” марказлар томонидан илгари сурилаётган “неолиберал глобаллашув”, “иқтисодий тубдан тизимий қайта қуриш”, “шок терапияси”, “эркин ва глобал бозор”[7] каби ғоялар афсуски аслида иқтисодий моҳиятдан кўра, кўпроқ мафкуравий тазйик ўтказиш, бошқа мамлакатлар ички ишларига кўпол равишда аралашуш воситаси сифатида номоён бўлмоқда. Жумладан, мутахассислар бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан туриб зўр бериб илгари суришга ҳаракат қилинаётган “tizimiy qayta qurish” ғоясини усталик билан ниқобланган мафкуравий стратегия сифатида баҳоламоқдалар.

Тажрибалар кўрсатиб турганидек, айрим стратегик марказлар, кучлар томонидан тарғиб қилинаётган мазкур мафкуравий “дастур”ларнинг қўлланаётганлиги натижасида ҳозирги вақтда жаҳон мамлакатлари ўртасида глобал сиёсий ва социал тенгсизлик ҳолати янада кучаймоқда.

Мана шундай вазиятда дунёда, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида халқаро муносабатлар тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, трансформация жараёнлари ниҳоятда мураккаб, баъзан кўз илғамас яширин зиддиятлар билан қўшилган ҳолатда рўй бермоқда. Бунинг устига глобал лидерликка интилаётган айрим давлат ва давлатлар гуруҳларининг фаолияти натижасида, янги дунёвий тартиботни шаклланишида асосий ўзак вазифасини ўташи мумкин бўлган кўп қутбли дунёни шаклланиши ҳам ниҳоятда кийинлашмоқда.

ХУЛОСА

Бугунги постбиполяр даврининг асосий хусусияти ва мазмунини ташкил қилувчи янги дунёвий, сиёсий тартиботларнинг шаклланиш жараёнлари тизимида мустақил сиёсий тараққиёт хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш масалалари энг долзарб ва кенг камровли муаммолар сирасига киради. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, бугунги кунда, жаҳонда рўй бераётган барча асосий тенденциялар ва мураккаблиklar таъсирига оқилона ва самарали жавоб бериб, изчиллик билан танлаб олинган суверен тараққиёт йўлидан бора олиш лаёқатига эришиш замонавий, сиёсий тараққиётнинг етакчи моҳиятини ташкил этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқ // Халқ сўзи, 2015 йил 13 январь.
2. Джураев Т.А. Философия безопасности : пределы переосмысления. –Т.: Узбекистан, 2013. – С. 6.
3. Полис, №5, 2003. – С.32
4. Баталов Э.Я. Новый мировой порядок: к методологии анализа // Полис, №5, 2003. –С.33.
5. Делокаров К.Х. Глобализация как социокультурный феномен // Глобализация: сущность, проблемы, перспективы. –М., 2003 –С. 16.
6. Барановский В.Г. Основные параметры современной системы международных отношений. Част II. // Полис. -№-4, –2012. – С. 63-64.
7. Вестник Московского университета №2, 2014. –129-131
8. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 324-328.
9. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. *The Advance Science Journal of International Relations*, 1(1), 52-54.
10. Madaminova, D. I. (2021). Uzbekistan as a leading initiator in central Asia. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1045-1049.
11. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.